

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

АТ “Алоқабанк”

Бошқарув раисининг

Үринбосари

Ф.Маҳкамов

2022 йил “___”



**АТ “Алоқабанк” да ВІ тизимини жорий этиш учун
Qlik Sense Enterprise Professional (пользователь) ва Qlik Sense
Enterprise Analyzer (пользователь) сотиб олиш бўйича**

Энг яхши таклифларни танлаш

Буюртмачи: АТ “Алоқабанк”

Тошкент – 2022 й.

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ҚҰЛЛАНМА

Умумий қоидалар

Мазкур танлаш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тұғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли Қонуни ва қонуности ҳужжатлари асосида ишлаб чиқылган;
Энг яхши таклифларни танлаш – бундан кейин матн “танлаш” сүзи ишлатиласы.

Энг яхши таклифларни танлаш предмети

АТ “Алоқабанк” да ВІ тизимини жорий этиш учун Qlik Sense Enterprise Professional (пользователь) ва Qlik Sense Enterprise Analyzer (пользователь) сотиб нары 86 000 000,00 (саксон олти миллион) сүм НДС билан бирга;

Танлаш иштирокчилари

АТ “Алоқабанк” танлаш буюртмачиси (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй;
Ташкилотчи (ташаббускор)нинг мулоқот қилувчи шахс телефон рақами 71-230-77-77 (ички 2225, 2230)
Ишчи органнинг телефон рақами:
e-mail: info@aloqabank.uz.

Энг яхши таклифларни
Танлаш тили

Танлаш таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида бўлиши керак.

Иштирокчиларни танлаш
таклифи

Иштирокчилар танлаш таклифлари амал қилиш муддати танлаш таклифлари тақдим қилиниши тугалланган кундан 7 кундан кам бўлмаслиги лозим.

Электрон танлаш ўтказиш тұғрисидаги эълон:

1. Танлаш ҳужжатлари - “Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси” оператори веб-сайти <http://etender.uzex.uz>. орқали электрон қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.
2. Танлаш таклифлари электрон порталга жойлаштирилган кундан бошлаб 7 кун муддатда қабул қилинади.
3. Танлашда мулкчилик шаклидан қатъий назар, конкурс ҳужжатларида кўрсатилган талабларни бажарган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

4. Иштирокчилар апоқада бўлиш учун Харидлар департаменти билан 71-230-77-77 (ички 2225, 2230) телефон орқали боғланиши мумкин.

Иштирокчилардан талаб этилади

- Иштирокчи қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлмаслиги керак;
- Иштирокчи Буюртмачи билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлмаслиги керак;
- Иштирокчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарзи бўлмаслиги;
- Иштирокчи имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни таъминламайдиган штатларда ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтмаган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлмаган бўлиши керак (оффшор зоналар);
- Иштирокчи ушбу танлов доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига дастурий таъминот етказиб берилганлигини тасдиқловчи руҳсатнома нусхасини ёки ишлаб чиқарувчининг бланкида бошқа шаклда тақдим этиши шарт.

Танлаш таклифининг техник ва нарх қисми бўйича баҳолаш.

Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида балларнинг бошланғич қийматлари белгиланиши мумкин ва улардан ўтмаган иштирокчи электрон танлашдан четлатилади. Танлаш таклифининг техник қисми учун миқдорий кўрсаткичлардан (малакали мутахассислар сони, етказиб бериш муддати, иш тажрибаси ва бошқалар) ёки эксперт баҳосидан келиб чиқсан ҳолда баҳолаш мезонлари белгиланади; Балл усулидан фойдаланганда танлаш таклифининг техник қисмининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймати белгиланиши мумкин. Энг паст нарх усулидан фойдаланганда иштирокчининг танлаш таклифи танлаш ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келиши ёки мос келмаслигини аниқловчи мезонлар белгиланиши мумкин; Танлаш ҳужжатларида белгиланган мезонлар ўта муҳим қийматга эга бўлиши мумкин. Бунда танлаш таклифининг белгиланган мезонларга мос келмаслиги иштирокчини электрон

танлашнинг ҳар қандай босқичида четлатилишига олиб келади;
Шартнома суммаси (нархи) танлаш таклифи нарх қисмининг ягона мезони ҳисобланади.

Танлаш ҳужжатларига уларнинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойиҳаси илова қилинади.

Харид комиссияси танлаш ҳужжатларини Қонун талабларига мувофиқлигини кўриб чиқади ва қуийдагиларни белгилайди:

Танлаш таклифлари қабул қилинадиган муддатлар;
танлаш таклифларини баҳолаш усувлари ва мезонлари;
Танлаш таклифлари қисмларининг ва зарур ҳолларда техник қисмининг ҳар бир баҳолаш мезонларининг нисбий қиймати;
Танлаш таклифини таъминлаш хажми ва шакли;
Электрон танлашни ўтказиш ҳақида қарор танлаш ҳужжатлари харид комиссияси томонидан электрон овоз бериш орқали келишилади, танлаш ҳужжатлари электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди;
Тасдиқланган танлаш ҳужжатлари, шартнома лойиҳаси, шунингдек электрон танлаш ўтказиш ҳақидаги эълон электрон танлаш иштирокчиларининг таклифларини қабул қилиш муддати тугашидан камида 10 кун аввал буюртмачи томонидан порталга жойлаштирилади;
Электрон танлаш ўтказиш ҳақидаги эълон қўшимча равишда буюртмачининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Танлаш таклифини бериш

Электрон танлаш ўтказилганда иштирокчилар танлаш таклифларини электрон конверт кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон танлашни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар;
Иштирокчининг танлаш таклифининг ажралмас қисми бўлган электрон ҳужжатлар оператор томонидан белгилangan форматларда тақдим этилади. Ҳар бир жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади;
Танлаш таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин;

Бунда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари электрон тизимдаги шаблонларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак; Электрон танлаш иштирокчиси битта лотга фақат битта танлаш таклиф беради. Электрон танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Электрон танлашда қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлган иштирокчилар қатнаша олади:

Шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий ресурсларнинг мавжудлиги; Шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуқка эгалик; Солиқлар ва йифимлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Электрон танлаш натижаларини сарҳисоб қилиш

Электрон танлашда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда танлаш ўтказилмаган деб топилади. Бундай ҳолатда буюртмачи танлашни айни ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айни ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ тақороран амалга ошириши шарт.

Электрон танлаш харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради; Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак; Агар танлаш таклифи Қонуннинг ва танлаш ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлаш таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг

асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим; Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссиясининг масъул котиби электрон танлаш иштирокчиларидан уларнинг танлаш таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади; Танлаш таклифи танлаш ҳужжатлари билан белгиланган муддат мобайнида кучда қолади; Танлаш таклифининг техник қисмини миқдорий кўрсаткичларга асосан баҳолаш, шунингдек таклифининг нарх қисмини баҳолаш электрон тизим томонидан автоматик равища амалга оширилади; Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифининг техник қисмининг мезонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади; Танлаш ҳужжатлари шаблонларини тўлдиришда миқдорий (ўлчов бирлигини белгилаган ҳолда) ва эксперт мезонларни харид комиссияси тасдиқлайди.

Танлаш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равища:

Танлаш таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда); Танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон танлашда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди; Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса (балл усулидан фойдаланганда) ёки бир хил нарх таклиф қилган бўлса (энг паст нарх усулидан фойдаланганда), танлаш таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчи ғолиб деб топилади; Захира ижрошини аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади; Танлаш таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра харид комиссиясининг масъул котиби электрон тизимда харид комиссияси йиғилишининг электрон

баённомасини тузади ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига юборади;
Харид комиссияси аъзолари электрон баённомани электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди;
Харид комиссиясининг қарорлари унинг аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади;
Танлов таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари электрон баённомада қайд этилади ва электрон танлов ўтказиш бўйича харид комиссияси аъзолари томонидан электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда имзоланади.
Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равишда эълон қилинади.

Бунда, баённомада қўйидаги ахборот бўлиши керак:

Танлов таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вақт; харид комиссияси аъзоларининг ва электрон танлов иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби; танлов таклифлари кўриб чиқилган электрон танлов иштирокчилари; танлов таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган электрон танлов иштирокчилари; электрон танлов ғолиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида маълумот; электрон танлов ғолибининг номи (юридик шахслар учун), Ф.И.О. (жисмоний шахслар учун), турган жойи (почта манзили);
Электрон танлов ўтказиш натижаларига кўра шартнома мазкур белгиланган тартибга мувофиқ тартибда электрон шаклда тузилади, томонларнинг электрон рақамли имзолари билан тасдиқланади ҳамда шартномалар реестрига киритилади.

I. НАРХ ҚИСМИ

1. Бошланғич нархи 86 000 000,00 (саксон олти миллион) сўм НДС билан бирга
2. Молиялаштириш манбаси - Акциядорлик тижорат “Алоқа банк”.
3. Буюртмачининг манзили: 100047, Тошкент ш., Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.
4. Тўлаб бериш валютаси - сўм